
"Учқун" жамоаси ғолиб бўлди

Бугун ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида спортнинг баскетбол тури бўйича 9-мактабнинг спорт залида мусобақа бўлиб ўтди.

Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари билан ҳамкорликда ўтказилган беллашувда ҳудуд босқичларида ғолиб бўлган жамоалар иштирок этишди. Кўтаринки руҳда ўтказилган мусобақа ёшларнинг янада спортга бўлган қизиқишини оширди.

Мусобақада 32-мактабнинг "Учқун" жамоаси 1-, 11-мактабнинг "Ёшлар" жамоаси 2- ва 26-мактабнинг "Шунқорлар" жамоаси эса 3-ўринни эгалладилар. Ғолиб жамоаларга туман ИИБ бошлиғи Ф.Бектошев ва ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари эсдалик совғаларини топширишди.

2021-06-11 18:38:13